



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ: БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика илмий-амалий
конференцияси материаллари
(2020 йил 4 март)

Тошкент – 2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА НОРМАТИВ-
ХУКУКИЙ ХУЖЖАТЛАР ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ: БУГУНГИ
ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференцияси материаллари
(2020 йил 4 март)*

Тошкент – 2020

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Масъул муҳаррир:

Ў. Х. Мухамедов

Таҳрир ҳайъати:

И. Исмаилов;

С. А. Раззоков

Нашрга тайёрловчи:

Э. У. Азизов

И-94 Ички ишлар органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш механизми: бугунги ҳолати ва истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2020 йил 4 март). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 568 б.

Тўпلامда 2020 йил 4 март куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Ички ишлар органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш механизми: бугунги ҳолати ва истиқболлари» мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси материаллари ўрин олган. Унда ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмини тартибга солиш соҳасида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари, ушбу фаолиятни такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазалар ёритилган.

Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари, магистрантлари, тингловчи ва курсантлари ҳамда амалиёт ходимлари фойдаланишлари мумкин.

ББК 67.99 (5У)8

*Тўпلامга киритилган мақолаларнинг мазмунини ва келтирилган
фактларнинг тўғрилиги учун муаллифлар жавобгар.*

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.

вазифаларни камраб олади. Ички ишлар органларининг энг муҳим вазифаларидан бири эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлиб, асосий эътиборни уларни барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этишда "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонун ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид бошқа тааллуқли қонунлар билан бир қаторда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки фуқароларнинг ички ишлар органлари, бевосита профилактика инспекторлариги бўлган ишончини янада яхшилаш учун қонун нормаларига амал қилган ҳолда уларнинг ичига кириб бориш, мавжуд муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам кўрсатиш ўз навбатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

М.М. Инагамова,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатимизда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини қафолатлаш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш»¹, шунингдек «... хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш...»² каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса, Ўзбекистонда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. – № 6. – 70-м.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018. – 29 дек.

ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантиришни тақозо қилиш.

Аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада ички ишлар органлари иштирокини янада кучайтириш борасидаги илмий таҳлиллар натижалари мазкур соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш билан бир қаторда, амалдаги мавжуд ҳуқуқий нормалар ижросини таъминлаш муҳимроқ вазифани кўрсатмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш тўғрисида фикр юритганда, «ҳуқуқни татбиқ этиш» таснифига эътибор қаратиш мантиқан тўғри ҳисобланади. Ҳуқуқни татбиқ этиш – ҳуқуқни амалга оширишдир. «Ҳуқуқни татбиқ этиш – давлат томонидан юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ва қафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши ҳамда уларни кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида ҳаётга татбиқ этишдир»¹. Демак, ҳуқуқ нормаларининг ваколатли субъектлар томонидан амалга оширилиши ҳуқуқни мазмун-моҳиятига мос ҳаракатини ифодалайди. Ҳуқуқни татбиқ этиш ҳуқуқ тизимининг жамият ҳаётига фаол таъсирини ифодаловчи омил бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари ҳуқуқни татбиқ этиш – бу қонунчилик кўрсатмаларини жамият ҳаётига жорий этишда ифодаланади.

Ҳуқуқни ва қонунни амалга ошириш йўналишига фақат қуйидаги ҳоллардагина, хусусан, *биринчидан*, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларнинг бор ёки йўқлиги, низо келиб чиққан тақдирда, унинг чораси тўғрисида; *иккинчидан*, кимнингдир ҳуқуқ ёки мажбуриятларини амалда бўлиш вақти ёки тамом бўлишини аниқлаш зарурати бўлганда; *учинчидан*, ҳуқуққа эга бўлиш ва мажбуриятлар юклашнинг тўғрилигини қонунда кўрсатилган доирада назорат қилиш зарурати келиб чиққан тақдирда. Ана шулардан биринчиси алоҳида тур ҳисобланиб, ҳуқуққа хилоф ҳаракат қилганлик учун жазо белгилашни назарда тутди. Бунда ҳуқуқни қўллаш субъектларининг вазифалари таъсир кўрсатиш, ҳуқуқий нормаларни бажаришга мажбур қилиш ва жавобгарликни юклашдан иборат². Ушбу фаолият билан мамлакатимизда асосан барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан ички ишлар органлари ходимлари шуғулланадилар. Улар содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларни аниқлаш ва уларга нисбатан жазо чорасини назарда тутган норматив ҳуқуқий акт, яъни ҳуқуқни қўллаш актини чиқарадилар.

Ҳуқуқни қўллаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади. Жумладан, ҳуқуқ нормаси билан тартибга солиниши лозим бўлган ишнинг фактик томонини ўрганиш ва ўрнатиш; қўрилаётган юридик ишга

¹ Қаранг: Одилокorieв Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. –Т., «Адолат». 2018. – Б. 228.

² Саидов А. Тожиҳонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси нашриёти. 2001. –Б. 206.

мос келадиган ҳуқуқ нормасини топиш, уни таҳлил қилиш ва татбиқ этган қўрилаётган юридик иш бўйича юридик кучга эга бўлган тегишли қарор яъни ҳуқуқни қўллаш актини чиқариш.

Биринчи босқичда, қўрилаётган ишга нисбатан ҳуқуқ нормасини қўллашнинг фактик томони ўрганилади, яъни бўлиб ўтган воқеа билан батафсил танишилади. Ушбу ҳолат учун ҳуқуқ нормасини қўллаш лозимми ёки ижтимоий нормаларнинг бошқа тури ёрдамида ишни ҳал этса бўладими? Албатта буни аниқлаш учун амалдаги қонунларни мукаммал билиш талаб этилади. Чунки қонунларда қайси ҳолатларда ҳуқуқ нормасидан ижтимоий муносабатларни тартибга солишга фойдаланиш тўғрисида қоидалар ўз аксини топган.

Иккинчи босқичда, ҳақиқатдан ҳам қўрилаётган юридик иш ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинишини аниқлангандан сўнг бошланади ва бу жараёнда воқеа ёки ҳодисага мос келадиган ҳуқуқ нормасини топилади, унга асосан таҳлил қилинади ва норма амалга жорий этилади. Бу босқич ҳуқуқ нормаси фаолиятининг бошланиш босқичи ҳисобланади.

Учинчи босқичда, қўрилаётган юридик иш бўйича юридик кучга эга бўлган тегишли қарор, яъни ҳуқуқни қўллаш акти чиқарилади. Бу босқичда ҳуқуқни қўллаш ваколатига эга бўлган субъект, давлат органи, давлат ташкилоти шунингдек ҳуқуқни қўллаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиниши ёки ҳуқуқни қўллаш акти чиқарилади. Қарор чиқариш вақтида, бу қарорни ҳал этилаётган юридик иш бўйича танланган ҳуқуқ нормаси барча таркибий қисмларининг талабларига мос келиш-келмаслигини эътиборга олиш лозим.

А.Х. Саттаров томонидан ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг илмий-назарий жиҳатлари таҳлил этилган. У мазкур жараённинг қуйидаги иккита босқичини ажратиб кўрсатади. Хусусан, шахс ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолият; шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолият. Унинг фикрича, биринчи гуруҳ инсон ҳуқуқларини амалга ошириш борасидаги ташкилий, ҳуқуқий чора-тадбирларни ўз ичига олади. Иккинчи гуруҳ эса шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш борасидаги чора-тадбирларни қамраб олади¹.

Мазкур, таснифлашни ички ишлар органларининг аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бунда биринчи гуруҳга аёл ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар, яъни институционал тузилмаларни жорий этиш,

¹ Қаранг: Саттаров А.Х. Теория прав человека и актуальные проблемы защиты прав человека в деятельности органов внутренних дел. Автореф. дис...д-ра юрид. наук. –Т.: 2003. –Б. 19-21.

ҳокимият вазосларни яратиш, профилактик ишлар каби масалалар киради, умумий аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифаларнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари қамраб олинади.

Иккинчи гуруҳда эса ҳуқуқлари бузилган аёлларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ амалий ишлар. Бу ҳам жуда катта йўналиш бўлиб, унда ҳуқуқбузарликлардан азият чеккан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тиклашга эътибор қаратилади. Бизнинг фикримизча, ҳозирги ички ишлар органларининг амалиёти кўпроқ иккинчи гуруҳдаги фаолиятга йўналтирилган, яъни кўпроқ бузилган ҳуқуқлар тиклашга йўналтирилган.

Лекин амалий фаолиятни фақатгина бузилган муайян ҳуқуқларни тиклашга эмас, балки профилактик чора-тадбирларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан, аёлларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янада кучайтириш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳамда институционал механизмларини тизимли равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, ички ишлар органлари томонидан аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аёл ҳуқуқларига оид нормаларни амалга татбиқ этиш ва қўллашда қуйидаги муаммолар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжуд:

Биринчидан, ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аёллар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи-назарида келиб чиқиб таснифланмаганлиги. Агар, тизим фаолияти чуқур таҳлил этилиб, улар томонидан қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб чиқилса, айнан аёл ҳуқуқларига оид нормалар тизимлаштирилмаганлигини кузатиш мумкин. Бу нафақат, ички ишлар органлари фаолиятида, балки бутун ижро ҳокимияти тизимида ҳам кузатилади. Фикримизча, аёл ҳуқуқларига оид ҳуқуқий нормалар юридик кучи бўйича, тартибга солиш соҳаларига кўра ва бошқа муҳим мезонлар асосида таснифланиши зарур. Бу амалиётда ҳуқуқ нормаларини амалга оширувчи субъектлар учун ҳам қулайлик яратади.

Иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш жараёнида аёл ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли қонунларда акс этган имтиёзлар ҳуқуқни қўллаш актларида етарли даражада белгиланмаганлиги. Бу омил ҳам ички ишлар органлари томонидан аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилинишида айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, аёл ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги тамойили Конституция даражасида мустаҳкамланган бўлса-да, айрим қонун ости ҳужжатларида унга зид нормалар мавжудлигини кузатиш мумкин. Хусусан, ички ишлар тизимида аёлларни ишга қабул қилишга оид қонуности ҳужжатларида, муайян квоталарнинг белгилаб қўйилганлиги фикримизнинг далилидир.

Учинчидан, айрим ички ишлар органлари ходимлари томонидан аёлларни таҳқирловчи, камситувчи, ҳақорат қилувчи, у ёки бу ҳолатларнинг ҳуқуқларини поймол қилувчи ҳолатларнинг мавжудлиги. Мазкур ҳолатлар жумласига 2018 йил Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани ИИБдаги воқеа мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Унга кўра, тумани ИИБ катта тезкор вакили С.Умаров томонидан жиноят содир этилишида гумондор қилинган аёл, ички ишлар органлари биносига олиб кириб, кўрмачи кадр-киммати камситилади ҳамда ушбу ҳолат уяли алоқа орқали видео тасвирга олингани, ушбу лавҳа ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилиши кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлгани, натижада ушбу ҳолатнинг нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жавобгарликка тортилган эди¹.

Бундай ҳолатлар ички ишлар органлари томонидан аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, аввало ишни ходимларни ўзини тарбиялашдан қийин зарурлигини, уларнинг аёл ҳуқуқларига оид қарашларини ўзгартириш лозимлигини кўрсатади.

Бу каби ҳаракатлар жамоатчилик ўртасида тизимга нисбатан қуйидагича муносабат шаклланишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, сўнгги давомида «Аёллар ҳуқуқларига оид нормаларни амалга татбиқ этилиши оид ички ишлар органлари ходимларининг амалиётини қандай баҳолайсиз?» деган саволга респондентларнинг 18 фоиз – «Салбий баҳолайман, иёл ҳуқуқларига оид нормалар ҳақида уларда тасаввур йўқ»; 48 фоиз – «Ижобий баҳолайман, улар хотин-қизлар ҳуқуқлари оид нормаларни амалга самарали татбиқ этмоқдалар»; 31 фоиз – «Қониқарли, айрим ижобий натижалар бўлса-да, муаммолар ҳам талайгина» 3 фоиз – «Жуда ҳам ёмон, ички ишлар тизимида аёлларни қийнаш ҳолатлари ҳамон кўпи» дея, жавоб берганлар.

Тўртинчидан, оғир аҳволга, руҳий тушкунликка тушиб қолган аёллар билан ишлаш, улар томонидан ўз эжонига қасд қилиш ҳолатлари юзасидан ички ишлар органларида махсус психологик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий, илмий-назарий ҳамда методологик асослари яратилмаганлиги. Таҳлил натижалари мазкур муаммони аёллар ҳуқуқбузарликларининг асосий сабаби сифатида кўрсатади. Жиноят содир этган ва кўп вазиятларда жиноят қурбони бўлаётган хотин-қизларнинг аксариятида турли оилавий, маиший, ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабабли руҳий ҳолатида салбий ўзгаришлар бўлади. Бундай аёллар аввало, психолог ёрдамига муҳтожлик сезади. Улар билан яқка тартибдаги суҳбатларни ташкил этиш орқали кўплаб салбий ҳолатларни, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мумкин. Бунинг учун ички ишлар

¹ Батафсил маълумот олиш учун қarang: www.kun.uz. веб-сайтида «Каттақўрғонда гумондор аёлни таҳқирлаган ишчи ишлар органи ходими бўйича расмий маълумот берилди» мавзусидаги ва шу каби ўндан ортиқ материаллар эълон қилинган.

таъкидлари тизимига психологларни жалб этиш, мазкур масаланинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиши лозим.

Сўров давомида «Сизнингча, Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларининг бурилишига сабаб бўлаётган асосий омил қайси?» – деган, саволга respondentларнинг 15 фоиз – «Аёлларнинг қонунлардаги ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ билмаслиги»; 29 фоиз – «Хотин-қизларга нисбатан раъсотиш ва зўравонликнинг мавжудлиги»; 22 фоиз – «Эркақлардаги аёлларга нисбатан ҳурмат туйғусининг етарлича шаклланмаганлиги»; 11 фоиз – «Оилалардаги айрим салбий қўринишдаги одатлар, анъаналар»; 9 фоиз – «Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби салбий иллатлар»; 14 фоиз – «Клинона-келин муносабатларидаги салбий ҳолатлар» – деган жавоб бермаётганини танилаган.

Бешинчидан, *ички ишлар органларига қарашли вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида аёллар ҳуқуқларини таъминлашда қатор муаммоларнинг мавжудлиги*. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида аёллар учун шароит яратилиши муҳим аҳамиятга эга¹. Сабаби биргина 2018 йилнинг ўзида ички ишлар органларига қарашли вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида 483 нафар аёллар сақланган². Тадқиқот доирасида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги Ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида соқланаётган 100 га яқин хотин-қизлар билан учрашиб, суҳбат ўтказилди. Ўрганишлар натижасида вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида аёлларга тегишли шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар аниқланган. Хусусан, ҳомиладор ҳамда ёш болали аёлларни сақлашнинг ички тартиб қоидалари, жумладан аёллар учун ажратиладиган майдон қамжи, уларга бериладиган дори-дармон ва шахсий-гигиена воситаларининг турлари ҳамда бериш вақтлари, аёллар бундай муассасаларга жойлаштиришда тақдим этиладиган ҳужжатлар ва уларни расмийлаштириш ва шу каби бир қатор масалалар.

Олтинчидан, *аёллар томонидан содир этиладиган турли ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ички ишлар органларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигига оид ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилмаганлиги*. Бу борада ички ишлар органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги бўйича умумий қоидалар, масалан маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорлик амалиёти бўлса-да, аниқ ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас. Ривожланган хорижий

¹ Қараг: Бадальянц Э.Ю. Криминологические и правовые проблемы социальной реабилитации осуждённых женщин, признанных хроническими алкоголиками. Автореф. дис...канд.юрид.наук. – Рязань. 1993. – 23 с.

² Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси Бош бошқармаси томонидан 2018 йил август ойида тақдим этилган расмий статистик маълумот.

мамлакатлар тажрибасида бундай ҳамкорликнинг замонавий шакли усулларидан самарали фойдаланилади.

Масалан, Франция тажрибасида Ички ишлар вазирлигида нодавлат сектори билан ишлайдиган алоҳида бўлим мавжуд. У ҳуқуқбузарликлар сони ортган ҳудудларга махсус нодавлат ташкилотлари ва кўнгилчилар юбориб, у ерларда махсус тўғараклар, тренинглар ташкил этади. Ўшарини шу тариқа жалб этиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга йўналтиради. Бундай долзарб масалаларни ҳал этиш учун вазирлик томонидан махсус маблағлар ҳам ажратилади¹. Ўзбекистонда ҳам аёл ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимояси билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш, юқоридаги каби усулларни қўллаш ижобий самара беради.

Еттинчидан, оилаларда аёлларга нисбатан ишлатиладиган зўравонликларни бартараф этишда ички ишлар органларининг иштироки таъкилий-ҳуқуқий асослари мукаммал эмаслиги. Ушбу масала ҳозирги кунда жамиятимиздаги энг долзарб муаммо ҳисобланган оилавий зўравонликларни бартараф этишдаги энг муҳим ва ҳал этилиши лозим бўлган масаладир².

Тадқиқот давомида ижтимоий сўровга жалб қилинган профилактика инспекторлари ҳудудларда аёлларга нисбатан қандай турдаги қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлар кўпроқ кузатилиши ҳусусида фикр билдиришар экан, унда 31,8 фоиз баданга шикаст етказиш; 53,6 фоиз ҳақорат қилиш; 11,8 фоиз ижтимоий аҳволдан келиб чиқиб қамситилиш; 11,8 фоиз яқин қариндошлари билан алокани узиб қўйиш ҳолатлари қайд этилган. Буларнинг барчаси жамиятда аёлларга нисбатан тайзик ва зўравонликлар мавжудлигини намоён этади.

Маълумки, ҳар йили бутун дунё бўйлаб «Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кун» шиори остида кампания ўтказилади. Ушбу кампания аёлларга нисбатан зўравонлик инсон ҳуқуқларига зид ҳаракат эканини ифодаловчи фикр билан расмий боғланган икки воқеа «25 ноябрь – Халқаро хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш куни»да бошланиб, «10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари куни»да якунига етади. Ўзбекистонда ушбу кампания 2011 йилдан буён «Ўйдаги осойишталикдан дунёдаги тинчлик сари» шиори остида муваффақиятли ўтказилмоқда³.

¹ Қаранг: Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизми // Монография. – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. 2018. – Б. 190.

² Қаранг: Черноситова-Усиченко Ю.А. Женщина в семье и в обществе: социально-философский анализ гендерной идентичности, зависимости и дискриминации. Автореф. дис... канд. философ. наук. Ростов-на-Дону. – 2004. – 28 с.

³ Қаранг: Дунё микёсида ҳар уч аёлдан бири зўравонлик қурбони бўлмоқда. uz.uz / Ўзбекистон 26.11.2018.

Афғуски, ўтказилган социологик тадқиқотлар бундай ҳаракатлардан ҳаққонанх маҳалла фаолларининг ҳабари йўқлигини кўрсатмоқда. Ҳар бир маҳалла муҳитни аввало, яқинлар, қўни-қўшнилар ҳамда маҳалла яхши ҳолатини ҳисобга олсак, аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатилиши кўпчилик бўлган оилалар билан алоҳида ишни ташкил этиш бўйича махсус тадқиқотлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Муҳтасар қилиб айтганда, аёл ҳуқуқларига оид нормаларни қўллаш бўйича ички ишлар органларининг фаолияти жиддий таҳлил этилиши керак. Биз қонун устувор бўлган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари юксак ҳадда таъминланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни мақсад қилган жамият, бу борада айниқса, аҳолининг ярмини ташкил этадиган аёллар кизлар ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарур.

З.М.Турсунов,

*ИИБ Академия Фуқаролик-ҳуқуқий
фанлар кафедраси катта
ўқитувчиси*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фировонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан қўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармонида алоҳида таъкидланди¹.

¹ Қаранг: «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 11 апрелдаги 71 (6765)-сон.